

Maorifat

معرفت
MARIFAT

1931 йил 4 июлдан чиқа бошлаган

1992 йил 24 МАРТ, СЕШАНБА

№ 35 (5631)
Баҳоси: обуначига 16 тийин, сотувда 60 тийин.

Янги қўлланмалар кўрик-кўргазмаси

Хар бир дарсада ўқитувчининг ўқув-кўргазмалари қуролларидир деган ўғитини тасаввур этиш қийин. Шу боисдан ҳам хар бир мусулман ўзининг ижодий куч ва имкониятларини ишга солишга ҳақдор. Дарсларда ўқув-кўргазмаларни қўлланмаларни ўйлаб топишга, тайёрлашга ва амалда татбиқ этишга ҳақдор қилади.

Шу жумладан, ҳунар-техника билим юрталаридаги ишлаб чиқариш усталари, мактабгача тарбия муассасаси тарбиячилари ҳам бу масалага ҳудди шундай ёндашишди. Бироқ таъкидлаб ўтиш керакки, яқиндаги ўқув-кўргазмаларни қўлланмаларини муамалаштириш, ишлаб чиқиш, тайёрлаш ёмон аҳволда эди. Яна бир жиҳати — мустакил давлатлар ўртасидаги баъзи муаммолар, масалан, ёғоч, тахта ва шунга ўхшаш хомашёларнинг ўз вақтида етказиб берилмагани ҳам бу ишнинг юришиб кетишига анчагина салбий таъсир этди.

Лекин шунга қарамай, ижодкор ўқитувчилар кўргазмаларни қуролларни яратган бўлса-да, уни оммалаштириш, кенг ёйишга имконият бўлмаган бўлди. Масаланинг ана шу жиҳатларини инобатга олиб, ҳунар-техника билим юрталари, мактаб-интернатлар, ўқув-ишлаб чиқариш қўшма корхоналари (МУПК) қошида малакали мутахассисларни тўлаб, шунингдек, ўқув устaxonаларидаги шароитнинг борлиги назарда тутилса, ўқув-кўргазмаларни қўлланмаларни кўпайтириб, оммалаштиришга имкон яралди.

Буларни инобатга олган ҳолда назарда тутилган ўқув-кўргазмаларни қўлланмалар кўрик-танловини ўтказиш ҳақида қарор қабул қилиш келишим таъкидлаб ўтилган.

Кўрик-танловни тўрт босқичда ўтказиш маъқул топилди.

Биринчи босқич ноябрь-декабрь ойларида мактабларда, ҳунар-техника билим юрталарида, мактабгача тарбия муассасаларида;

иккинчи босқич ноҳиялар ва шаҳарларда январь ойида бўлиб, вилоят босқичи эса февраль ойида ўтди.

Кўрик-танловнинг жумҳурият босқичи шу йилнинг 26—30 мартда Халқ хўжалиги йўтуқлари кўргазмасида бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, аввало, бўлиб ўтган босқичларда кўрик-танловнинг аҳамияти ҳақида тушунтириш ишлари олиб бориш яқин йўлга қўйилди. Чунинчи, биринчи босқичда 18 та бўлим бўйича жами 37 минг ўқув-кўргазмалар қўлланмалар, қўйилган эди. Шундан ноҳия босқичида 21 минг ўқув-кўргазмалар қўлланма иш тавсия қилинди.

Вилоят босқичида 7 минг кишининг иши голиб деб топилди. Халқ хўжалиги йўтуқлари кўргазмасида бўлидиган кўрик-танловга эса 510 иш тавсия қилинди. Галдаги вазифа 18 та бўлимнинг ҳар бирини 3 тадан, жами 54 иш сараланиши керак.

Голиб деб топилган ишлар муаллифлари I-даражали диплом ва иккинчи минг пул билан тақдирланадилар.

Бундан ташқари, биринчи ўринни олган иш муаллифларига «Ўқитувчи-иختирочи» деган унвон берилди.

Иккинчи ўринни олган иш муаллифлари иккинчи даражали диплом ва 1000 сўм пул мукофотига эга бўладилар.

Жумҳурият кўрик-танловининг очилиши 1992 йил 26 март соат 11 да бўлади.

Кўрик-танловда ўқитувчилар, тарбиячилар, талабалар билан бир қаторда Санот вазирлигининг вакиллари, ишлаб чиқариш қўшма корхоналари, бирлашмаларнинг аъзолари ҳам қатнашадилар.

Барча муаллимларни, устозларни Халқ хўжалиги йўтуқлари кўргазмасида бўлидиган кўрик-танловга таклиф этамиз.

С. АЛИЕВ,
Жумҳурият Халқ таълими вазирлиги ўқув-ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи, республика ташкилий қўмитаси раисининг ўринбосари.



АЛОҲИДА ТАЙЁРГАРЛИК БИЛАН

Хўр дийримиз — мустакил ўзбек элгига халқимизнинг секинми, қадимий, энг кўракам байрамларидан бири Наврўз ташриф буурди. Бу байрамни барча мўмин-мусулмон тантана билан нишонламоқда.

Бу улғур айёмга Тошкент вилояти Калинин ноҳияси меҳнатқашлари ҳам муносиб ҳозирлик кўрдилар. Кечта байрам концерти намойиш қилиниб, унда турли ташкилот меҳнатқашлари, ишчи-деҳқонлар ва маориф ходимлари иштирок этдилар. Дошқозонларда сумалар иштирилди, ноҳия умумий овқатланиш бошқармаси томонидан турли қил миллий таомлар, ширинлик ва қулчатоқлар иштирилди, дастурхон безатилади. Сайида ноҳия кўрик-танлов голиблари иштирокчидаги шеърхонлик, айтишув ва баҳслар, 8-мактаб ўқувчиларининг чиқишлари томошабинлар томонидан илқ қарши олинди. Мактабнинг 10 ва 11-синфлар ўртасида ўтказилган беллашувларда эса ўқувчилар ўз санъатларини намойиш этдилар.

А. ГИЕСОВА,
Тошкент вилояти.

Пойтахтнинг Акмал Икромов ноҳиясидаги 1-мактаб ўқитувчилари хар бир машғулотда назария билан амалиётни қўшиб олиб бориш ҳаракатида бўлишмоқда. Бу каби ишларни бажаришда замонавий ўқув-тажриба асбоб-ускуналари билан жиҳозланган фан кабинетлари қўл келмоқда.

Тасвирларда: машғулотлардан лавҳалар.

А. ЧАПЛИГИНА суратлари.



Кун тартибида — миллий мактаб

Ҳозирги замон халқ таълими олдига қўйлаётган вазифаларнинг қўлама кенг ва ранг-барангдир. Яқиндагина биз қарийб 70 йилдан бунён йўлга келинган таълим ҳақида олдига тўсиқ ташлаш ҳусусида фикр юртардик. Энди бўлса келажак мақсадларини ўз ичига олган долзарб муаммолар, ечимига қўл уралаймиз. У ҳам бўлса, мактабларни миллийлаштириш, халқ таълимининг миллий руҳиди ҳужжатларини ишлаб чиқиш, шу асосда фанлар бўйича дастур ва дарсликлар яратиш каби лардан иборат. Бу борада илк дедил қадимлар ташлаб, дейиш мумкин. Республика ўқитувчилар уйда ўтказилган йилликда ана шундай масалалар ҳусусида фикр алмашиди. Мазкур анжуман Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигининг ташаббуси билан уюштирилди. Унда республикамизнинг таълимчилар ва ёзувчилари, матбуот раҳбарлари, мухбирлар, олий ўқув юрталарининг вакиллари иштирок эттиди.

Йилгилик халқ таълими вазир Жўра Ганиевич Йўлдошев оқди ва қисқача маъруза қилди. Нотининг таъкидлашча, омма орасида, мактабда миллий мактаб яратиш госяи илгари сурилган, бу борада дурустгина таклифлар ҳам билдирилган. Ана шундай ҳаракат халқимизнинг таълимга бўлган муносабати тубдан ўзгариб бораётганини билдирди. Аммо, шунинг асоси билан айтишга тўри келадиган, амалий ишга ўтишга келганда, ташаббуслар сезилмапти. Миллий мактаб яратиш учун эса жуда кўп ишларни қилиш керак.

Ҳозир бизда умумтаълим мактабларининг концепцияси эълон қилинган. Очигини айтиш керак, бу ҳужжат ҳозирги давр нукта назаридан тўзилган. Олимиларнинг орасида эса истиқболга мўлжалланган миллий мактаб концепциясининг тўзиб бермоқчи бўлганлар ҳам бор. Албатта, бундан фойдаланиш керак.

Биз собиқ СССР таркибиде бўлганда ҳам Ўзбекистон болалар ҳам ягона таълим — совет мактаби таркибиде ўқитилди. Ана шу ягона йўлдан борилиши оқибатида ўша элмонга мос равишда амал қилинди. Бола бўйруқ бажарувчи, итоткор қилиб тарбияланди. Унинг зиммасида тушадиган ўқув юклари эса қаддан ортиқ қўлайтириб юборилди.

Агар эътибор берсак, 1917 йил инқилобдан олдин Туркистон мадрасаларида 9 та ўқув фойдан илм бериларди. 1988 йилги мактаб ислохотларидан кейин фанлар миқдори 24 тага етказилди. Бу ўринда болага тушадиган масъулият қўлама ҳисобга олинмади. Ҳозир бошланғич синфда 20 соат, юқори синфда 36 соат, машғулот юки бор. Аммо буларнинг натижаси қутилганчалик эмас.

Сўзга чиққан нотикларча, 1991 йил 12 ноябрда эълон қилинган Ўрта умумий таълим мактабларини концепцияси СССР халқ таълими концепциясининг ижодий таржимаси бўлиб, бу ҳужжатда миллий мактаб тарққити, унинг ҳозирги аҳоли ҳисобга олинган. Қарши давлат педагогика институтининг профессори Малла Очилов шуларни назарда тутиб, ўзи хизмат қилаётган олий илмгоҳ олимлари билан биргаликда тузиб чиққан «Ўзбекистонда умумий ўрта таълимни қайта тузиш госяи (концепцияси) ҳақида» маълумот берди. Олимнинг эътироф этишича, сиёсий жиҳатдан мустакил деб эълон қилинган жумҳурият халқи олдига иқтисодий ва маънавий мустакилликка эришиш вазифаси турибди. Бу борада халқ таълими етакчи омил бўла олади. Ўзбек халқини ва жумҳуриятда яшайдиган бошқа халқларни маънавий мустакилликка, маънавий озодликка чиқаришнинг мўхим воситаси ёшларни болавар боғчисидан бошлаб озодлик ва мустакилликни аниқлаш, қадрлаш руҳида тарбиялаш ва миллий хусусиятларга мос мактаблар яратишдан иборат.

М. Очиловнинг концепциясида, энг мўҳими, инсонни ҳар томонлама билимдон шахс сифатида қамолотга етказиш масаласи кўрсатиб берилган. Хусусан, Ўзбекистонда умумий ўрта таълим мактабларининг мақсади — ҳар бир болада мавжуд бўлган қобилият ва лаёқатларни эркин ривожлантириш, миллий ва умуминсоний қадриятларни ўргатиш, юксак ахлоқий фазилатларни, фуқаролик бурчи, миллий ҳис-туйғусини ўстириш, уларни мустакил ҳаёт ва меҳнат фаолиятига йўналтиришдан иборат.

Мазкур концепция асосида Қаршидаги мактабларда дарс ўтиб қўрилган, бу олимнинг фикрича, яқин натижа берган. Бу ҳужжатдан ўлка миз хусусиятлари, республикадаги турли миллатларнинг талаб-эҳтиёжлари, диний ва дунёвий билимлар ўрин олган. Унга кўра бошланғич синфга етти ёшдан қабул қилинади (зарурий синфлар), 4 йил ўқилади. Ўрта синфларда (умумий) 5 йил ўқилади. Юқори синфда оз миқдордаги ўқувчиларни саралаб олиб қолинади. Улар кейинчалик олий мактабда ўқишди. Сараланганлардан қолганларга эса ҳунар ўргатилади.

Педагогика фанлари илмий тадқиқот институтининг ходими Павл Мусавев ўз нуктида Ўзбекистоннинг мустакилликка эришиши муносабати билан мактабларга «миллий» қўшимчасини қўшиб гапирши ўринлими! — деган саволини ўртага ташлади. Уэ-ўзиндан, бу масала мунозараларга сабаб бўлди. Айрим сўзга чиққан кишилар «миллий» дегани «Ўзбек мактаби» деганини таклиф этсалар, бошқалар бунинг инкор этди.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Мирмуҳсин болаларга ўзбек тилини чуқурроқ ўргатиш масаласини кўтариб чиқди. Бизда эса бу борада ҳануз оқсашлар сезилмади. Натижада жойлардаги ёзувлар, муҳит соф ўзбеклаштирилмай, эски ҳолича қоляпти.

«Еш куч» ойнотмасининг бош муҳаррири Х. Тўхтабоев

1-синфдан бошлаб «Ойлар арифметикаси» ўқув фанини жорий этиш таклифини киритди. Бу услуб, айниқса, ҳаётий бўлиб, яқин самара бериши тайиндир. Болтиқбўйи мамлакатларида «Ойлар арифметикаси» ўқитиш амалиёти ўқитиш алақадор болалар боғборишган.

Шунингдек, нотиклардан профессор О. Шарофидинов, шоир Б. Бойқобилов, Тошкент давлат педагогика олий илмгоҳининг ректори К. Юсупов, Ўзбекистон халқ шоири Шукрулло ва бошқалар ҳам Халқ таълими вазирлиги номини ўзгартириш, таълимни 11 йилдан 9 йилликка ўтказиш, дорилфунунларда мактабшунослик курсини чуқурроқ ўқитиш келаси масалаларга тўхталиб ўтишди.

Йилгилик сўнгиде миллий мактаб концепцияси бўйича билдирилган фикрлар умумлаштирилди. Янги концепцияни учта асосий йўналиш бўйича яратишга келишиб олинди. Бу йўналишлар бошланғич синф (1-4), умумий синф (5-8) ва юқори синф (9-10) ҳисобланади. Ушбу вазифа юзасидан Қарши давлат педагогика институтини, Тошкент давлат педагогика институтини ва Педагогика илмий-тадқиқот институтини олимлар гуруҳини тузишга келишиб олинди.

А. ҲАЙДАРОВ,
махсус мухбиримиз.

1-синфдан бошлаб «Ойлар арифметикаси» ўқув фанини жорий этиш таклифини киритди. Бу услуб, айниқса, ҳаётий бўлиб, яқин самара бериши тайиндир. Болтиқбўйи мамлакатларида «Ойлар арифметикаси» ўқитиш амалиёти ўқитиш алақадор болалар боғборишган.

Шунингдек, нотиклардан профессор О. Шарофидинов, шоир Б. Бойқобилов, Тошкент давлат педагогика олий илмгоҳининг ректори К. Юсупов, Ўзбекистон халқ шоири Шукрулло ва бошқалар ҳам Халқ таълими вазирлиги номини ўзгартириш, таълимни 11 йилдан 9 йилликка ўтказиш, дорилфунунларда мактабшунослик курсини чуқурроқ ўқитиш келаси масалаларга тўхталиб ўтишди.

Йилгилик сўнгиде миллий мактаб концепцияси бўйича билдирилган фикрлар умумлаштирилди. Янги концепцияни учта асосий йўналиш бўйича яратишга келишиб олинди. Бу йўналишлар бошланғич синф (1-4), умумий синф (5-8) ва юқори синф (9-10) ҳисобланади. Ушбу вазифа юзасидан Қарши давлат педагогика институтини, Тошкент давлат педагогика институтини ва Педагогика илмий-тадқиқот институтини олимлар гуруҳини тузишга келишиб олинди.

А. ҲАЙДАРОВ,
махсус мухбиримиз.

НАВРЎЗ ШОДЛИГИ

Анжуман дастурининг хилма-хиллиги йилгиланларга қувонч бағишлади. Наврўз ва унинг тарихи, бу байрамнинг ўзига хос удувлари, Наврўз меҳр-шафқат байрами эканлиги ҳақидаги чиқишлар қатнашчиларини хушнуд этди.

Айниқса, 5—7-синф ўқувчилари ўртасида ўтказилган

миллий кийимлар, миллий ва баҳор таомлари, миллий лағар ва рақслар спорт бўйича ўтказилган конкурс қатнашчиларда катта таассурот қолдирди.

Наврўз тантаналарини ўтказишда ўқитувчилардан Г. Усмонова, Л. Паульсен, Р. Парсегов, Х. Саидова, М. Хўжаевалар катта ташаббус кўрсатдилар. Конкурс натижаларига кўра 5-«В», 7-«Д», 8-«Б», 9-«В» ва 11-«А» синфлар биринчи ўринни олинди.

Мухбиримиз.

Етилган муаммолар ҳақида мактублар

АДОЛАТ ЕТИШМАГАНДА...

Бухоро вилоятида 1992 йилги олимпиадаларни ўтказиш борасида катта тайёргарлик қўрилди. Учрашув кунгача иштирокчилар учун барча қўлайликлар яратилди. Бу йилги олимпиада 2 кун давом этиб, биринчи кунни ўқувчилар ёзма ишлар бажардилар. Иккинчи кун ёзма иш натижаларига қараб улар оғзаки савол-жавобларда иштирок этдилар.

Фанлар бўйича яқунлар таҳлили шунини кўрсатдики, махсус интернатлар ёки чуқурлаштирилган дастур асосида шуғулланган синф ўқувчилари қайси фандан иштирок этган бўлсалар, голибликни асосан шу ўқувчилар эгаллашди. Ҳақли бир савол туғилади: махсус интернатлар ва чуқурлаштирилган дастур асосида ўқитиладиган синфлардаги ўқувчилар танлов асосида қабул қилинган қобилиятли болалар бўлса-ю, булар умумий дастур асосида ўқийдиган ўқувчилар билан бир партада ўтириб, улар учун режалаштирилган олимпиада шартларини бажарсалар, шу ўринлими? Олдиндан танланган ўқувчини яна қайта танлаш шартмикин? Иккинчидан, махсус дастур асосида ўтилган дарс билан умумий дастур асосида ўтилган дарслар орасида ер билан осмонча фарқ

борлигини олимпиада ташкилотчилари наҳотки билмасалар. Қисқаси, юқорида айтганимиздек, кўп фанлардан бу йилги олимпиадаларда асосий ўринларни махсус дастур асосида шуғулланган ўқувчилар эгаллаб, ўз қобилиятини намойиш қилган умумтаълим мактаблари ўқувчилари четга чиқиб қолди.

Ана шуларни эътиборга олиб, биз икки хил дастур асосида ўқийдиган болалар учун фанлар бўйича ажратилган ҳолда, алоҳида-алоҳида олимпиадалар ўтказилишини таклиф қиламиз.

Иккинчи эътирозимиз шундан иборатки, ноҳияларда ва вилоятда барча фанлардан олимпиадалар бир кунда ўтказилмоқда. Бу айрим ўқувчиларнинг имкониятларини чегаралаб қўяпти. Агар турдош фанлардан олимпиадалар икки хил муддатда ўтказилса, ўқувчи ўзи танлаган иккинчи фандан иштирок этиши мумкин.

Юқорида келтирилган таклифларимиз ҳисобга олинса, олимпиада ўтказиш тадбирларига атрофлича, адолат юзасидан ёндашган бўлур эдик.

Ш. ИZZАТОВ,
Вобкент ноҳиясидаги Мужрим Обид номли ўрта мактаб ўқитувчиси.

ИЛМГОҲНИ КИМ ҚУРАДИ?

Эртош аҳоли пункти Оҳангаровдан 70 қаҳирим йироқда, тоғлар орасида жойлашган. Бу сўлим гўшада «Октябрь», давлат хўжалигининг қорвадорлари, чўпонлари, тоғ ва ўрмон хўжалигининг ишчилари истиқомат қилишади. Уларнинг 200 га яқин фарзандлари Эртошдаги 37-мактабда таълим олишади. Балки, марказдан узоқлик, балки, айрим раҳбар кишиларнинг лоқайдлиги, ёхуд тоғликларнинг ҳафсаласизлиги бўлса керак, то шу давргача бу ерда нафақат аризли тиббиёт пункти, балки тоғнинг мана шу сўлим гўшасига ҳусн бўлиб тушадиган, ҳатто кичикроқ мактаб биноси ҳам қурилмаган. Шу сабабли бу ерда ўқувчиларни айрим кишиларнинг уйларида, баъзан омонат қўрилган хоналарда ўқитишиб келишган. Аммо бу ҳол қачонгача давом этиши мумкин? Бу савол билан мактабнинг ўша пайтдаги раҳбарлари жуда кўп маҳкамаларнинг эшикларини қўқишди. Аммо биронта маҳкамдан, идорадан болалар учун қайғурадиган, уларга раҳми келадиган раҳбар топилмади.

Тоғликлар орийтли ва ҳамиятли бўлишади. Қайсидир бир йилда уларни махсуслаштириб, мактаб учун янги бино қуришга киришдилар. Лекин ушунда ҳам тоғликларга ердан берадиган, ҳеч бўлмаганда тагсизлар учун, пойдеворга бетон-цемент берадиган мард топилмади. Хуллас, мактабнинг биносини чўпонларнинг ўзлари қуришга киришдилар: одамлар ҳашар қилишиб, гуваля қўйишди; тоғдан турли дарахларнинг кесиб келишди... Шундай қилиб, олтинчи йилларнинг охирида Эртошда янги мактаб қад кўтарди. Энди тоғ болалари хавфсиз ўқий бошладилар. Шунга ҳам ўттиз йилча бўлиб қолди.

— Майли, бизга у қадар дабдабали, қийинли бино ҳам керак эмас, — дейди Эртош қишлоғидаги маҳалла қўмитасининг раиси А. Аноршоев. — Олдингина санжик ёки ўн хоналик бино бўлса, бас. Қурилиши бирор ташкилот бошласин, биз маҳалла аҳли ҳам қараб турмаймиз, ўзимиз ердан берамиз, ишчиларнинг қундалик тушлиғи ҳам бизнинг гарданнимизда бўлсин. Бироқ ноҳия ва Ангрэн шаҳридаги раҳбарлар нимагадир бу ишга бош қўшмаяптилар.

— Мактабнинг ҳозирги биносига умуман ўқувчиларни киришти бўлмайдими, бугун бўлмаса эртага буюн биронта ўқувчи ёки муаллимни босиб қолсин мумкин. Бунинг ноҳиядаги халқ таълими, яқинда қўмита ва бошқа мутасадди ташкилотларнинг раҳбарлари жуда бермоқчиман.

Мўмин ҚАЮМ.



Айни кунда қозоннинг баҳоси осмонда бўлишига қарамай, оммавий нашрларнинг сони ортиб бораётир. Наврўз арафасида «Қадрият», «Хабар», «Меҳриг'ё» каби нашрлар ҳаётга йўланма олди. Бундай воқеа Тошкент шаҳри мактаблари ҳаётида ҳам юз берди. Утган ҳафта янги хабарнома шаҳар мактаблари ўқувчилари қўлига теги. Хабарноманинг ҳажми кичик бўлса-да, у ўқувчилар ўртасида катта қизиқиш уйғотмоқда.

Тасвирларда: Ёш қаламқашлар хабарноманинг янги сони устида ишламоқдалар.

Суратларни А. МАМАДАМИНОВ олган.



**МАКТАБДА
УЧ ХИЛ СИНОФ**

Тошкент вилоятининг Калинин ноҳиясидаги 15-ўрта мактабда очилган махсус синфлар ўқув жараёнида ўқитиш ишларига янгича ёндашишни қатор афзалликлар борилини амалда кўрсатди. Мактабда 9-синф ўқувчилари уч хил синфларга — аниқ фанлар, иккинчи синфлар ва оддий синфларга бўлиб ўқитилмоқда.

Бу каби таълимий янгиликни амалга оширишда Тошкент давлат техника дорилфунуни мутахассис олимларнинг амалий ёрдамлари катта бўлмоқда. Ушбу олий ўқув юрти билан ноҳиядаги Қаторгол қишлоқ шўроси ўртасида ўзаро ҳамкорлик шартномасининг тузилгани нур устига аъло нур бўлди. Ана шу ҳужжатда ўқувчиларга ҳар томонлама чуқур билим бериш, уларни ўзларини қизиқтираётган олий ўқув юртига киришлари учун махсус дастурлар бўйича ўқитиш каби муҳим таълимий жараёнларни биргаликда адо этиш режалари кўзда тутилди. Ана шу келишувга биноан дорилфунунининг айрим ўқитувчилари маъруза билим ўчоғида машғуллар олиб боришмоқда.

Таълимга ўзгача ёндашув муносабати билан дарс соатлари умумий ажратилган соатларга мувофиқ равишда ўзгаририлди. Ўқитилаётган айрим дарслар соатлари маълум миқдорда камайтирилиб, асосий фанларга қўшиб берилади.

Махсус синфлар учун ўзгача хос методик аҳамият касб этувчи ўқув дастури ва ўқувчилар иқтидорлари ҳамда қизиқликлари ҳам кўзда тутилди. Шу ўринда дорилфунунининг математика ва чизмачилик кафедрасида ишлаб чиқилган ўқув дастури ҳам тилга олиб ўттиш жоиздир. Ушбу дастур ноҳия халқ таълими бўлимида ҳамда олий ўқув юртининг илмий-услубий кенгашида тасдиқланди.

Бир мактабнинг ўзида уч хил синфнинг бўлиши ва ўқувчиларнинг уларга бўлиб ўқитилиши таълим сифатига сезиларли даражада ижобий таъсирини кўрсатмоқда. Энг муҳими, ўқувчиларнинг фанларга бўлган қизиқишлари ортиб, уларда мустақил фикрлаш кўникмалари ва иқтидорлиги қобилиятлари ривожланиб бормоқда.

А. АЛИЕВ.

Давра суҳбати

Мустақил Ўзбекистон Республикасининг болалар боғчаси ҳам, албатта, ўзига мос бўлмоғи лозим. Яъни мавжуд боғча-ясилари қайтадан ташкил этиш зарур. Иқтидорли, етук кишилар фикрини эшитиб амин бўлдимки, ҳозирги боғчаларимиз оналар ишдалигида болаболаларни «асраб ўтирадиган» бир жойга ўхшаб қоляпти. Кичкинтойларнинг келгусида маънавий етук, баркамол инсонлар бўлиб етишишлари учун эса боғчалардаги тарбиявий ишларимиз қўнғилдагидек эмас. Шу ҳақда ўйлаб, эртанги кунда боғчалар қандай бўлиши керак? — деган савол тулиди кўнглимга.

Бу қизиқиш мени Акмал Икромов ноҳияси халқ таълими бўлимига етаклади. Бир гуруҳ боғча мудирлари ва тарбиячилари билан давра суҳбати ўтказишга жазм этдим. Қизинг шундаки, мени қизиқтираётган масала йилгиланларнинг ҳам кўнғилдаги гап экан.

Мухбир: — Суҳбатимиз мавзуи «Келгусида болалар боғчалари қандай бўлиши керак?». Шундан келиб чиқиб дилимиздаги гапларни ўртага ташласак. Зеро, ҳар биримиз келажак ворисларини тарбиялашга масъулмиз.

Маҳфуза Юсупова, 483-боғча мудираси: — Мустақил бизнинг азалий мақсадимиз, орау-ниятимиз эди. Толемиздан ўрилади, орзумиз рўёбга чиқди. Демак, биринчи навбатда ўз орномусимиз, гуруҳимизни асраш, инсонийлигимизни улғулаш учун ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқариб, қўлни қўлга бериб ҳаракат қилмоғимиз лозим. Фикримча, боғчалар миллий услубда қурилиши лозим. Ота-боболаримиз удумларини турмушга татиқ этмоғимиз, болаларимизни одатларимизга мослаб тарбия қилишимиз жоиз. Бундан ташқари, ҳорижий тилларни ўргатишга катта эътибор қилиш керак. Биз ўз боғчамизда болаларга араб тилини ўргатиш ишларини бошлаб юбордим.

Гулнора Қўчқорова, 394-боғча мудираси: Миллийлик ҳақида кўпдан бери ўйлаб юраман. Миллийлик дегани ўзбек либосларини кийишда эмас. Миллийлик бошқа нарса: дуллини тўла англаш, ўз миллати, қадрини ва ўзини чуқур тушунишда, деб биланман. Сўз менга келган экан, кўнғилдагини гапириб олмай. Боғчада, мактабда, илм даргоҳларида Ленинни ўқидик, севдик. Замонанинг зайлини қарангки, кечаги эътиқодимиз бутун сароб бўлиб қиндик.

Буюк бобомиз ҳазрати Навоий ижодий мероси дарҳақиқат миллатимиз хазинасидир. Аммо Навоий тилини болаларга дарров сингдириш осон иш эмас. Эҳтимол, ўша давр туркий тилини биринчи навбатда ўргатиш керакдир. Бугунги кунда боғчаларда Навоий шеърларини ўргатишмоқдамиз. Кузатишларимизга қараганда, боғчаларимиздаги тарбиячиларнинг оддий фазилатлари ўргатиш керакдир. Уларнинг оддий фазилатлари ўргатиш керакдир. Уларнинг оддий фазилатлари ўргатиш керакдир.

деб атардилар. Жўжабирдай жон эдик. Биз болаларнинг энг суюмли жойимиз гулҳовуз атрофи эди. Нуруний қиёфали бўвим эртак, матал ва мақоллар айтиб берадди. Биз эса бўвимнинг эртак, афсоналарини киприк қоқмай тинглардик. Ўша эртаклар ҳали-ҳануз қўлоқларимизда. Эласам, қалбим зирқирайди. Ҳаяжонланаман. Бувижоним гулҳовуз ёнида қалбимизга эзгулик уруғларини эканлар. Бизни тарбиялаганлар. Ору қиламанки, миллий боғчаларимиз ҳовлисига гулзор, ўртасида «гулҳовуз»лар бўлса, биз тарбиячилар атрофимизга нақоблардек тизиб, болаболаларини одамий фазилатларга ўргатсак.

Г. Қ.: — Президентимиз И. А. Каримов шундай деган эдилар: «Сизнинг ҳар

та эътибор қилишимиз. Бундан ташқари «Саломатлик» дарсларини ҳам ўтказишга киришдик. Ота-оналар билан узвий алоқа ўрнатдик, десак бўлади. «Энг яхши ота», «энг яхши она» каби тадбирлар ишимизни яхшилапти. Масалан, уй бекаси Г. Шерматова катта гуруҳ қизалоқларига бичиш-тикиш ишларини ўргатишдек масъулиятли ишни зиммасига олди.

М.: — Назаримда, мактаб ва боғчалар ўртасида узилиш бордек. Шу ҳақда ҳам фикрларингизни билишни истардим.

А. И.: — Рост гап. Мактаб ва боғча ўртасида мунозаам алоқа йўқ. Ҳолбуки, тарбия, аввало, боғчадан бошланиб, мактабда давом эттирилиши керак. Аслида

М.: — Орамида ноҳия «Тарбиячи-92» кўрик-танлови голибаси Шаҳноза Алимухамедова ўтирибди. Шаҳнозахонга бир савол, сизнингча, тарбиячи қандай бўлиши керак?

Ш. А.: — Тарбиячи, энг аввало, болаларни севиши лозим. Шу хилсатга эга бўлган она-сингилларимиз яна ўз ишига масъул, билим ҳамда хушмуомалали бўлса, демак, у яхши тарбиячидир.

Шарифа Ёқубова, 540-боғча мудираси: — Имкониятдан фойдаланиб, кўпдан бери дилимни гашлаб турган бир гапни айтмоқчиман. Ўзбекистон ойнаи жаҳонда болаларга бағишланган ранг-баранг эшиттиришлар берилмоқда. Шулардан баъзилари, назаримда, баъканароқдек. Масалан, жажжигина қизалоқ катта ёшли хотинлар кийиши лозим бўлган либосларни кийиб, бешик тебратиб, алла айтади. Ўғли бола эса эртак либосида. Бу, ахир, бемаънилик-ку? Майли, болалар катталардек бешик тебратсин, бошқа томонлар кўрсатсин, аммо улар ўз кийим-кечаклари бўлгани маъқул. Қандайдир эриш туолар экан.

М. Ю.: — Ҳозир иқтисодий танглик пайти. Ойлик маошимиз ошдириди. Бундан биз беҳад миннатдоримиз. Аммо гап келганда тўғриси айтиш керак. Ойлик маош оширилгани билан нарх-наво ҳам ҳаддан ташқари ошиб бормоқда.

М.: — Қизиқarli суҳбатингиз учун ташаккур. Ўз ишига фидойи, жонқувар ва меҳнатсевар бу аёллар билан суҳбатлашиб, маънавий юксалганимизни ҳис этдим. Болаболаларимиз атрофида онадек саховатли тарбиячилар бор экан, келгусида боғчаларимиз ҳавас қилгудек тарбия маскани бўлиши мумкин. Келажакимиз эгалари бўлиши фарзандларимизнинг халқорам миқёсда иқтидорли, ундашурон кишилар бўлиб етишишлари учун болаларимиз ва боғчалар тақдирини хусусида чуқур мушоҳада қоритмоғимиз лозим. Зеро, фарзандлар урм қаровимизнинг сержаранг қўнғироқларидир.

М. Ю.: — Буларнинг орасида энг яхшиси оилавий боғчалардир. Негаки, бола ўша хонадонга ўрганса, оилавий муҳитга яқин бўлади. Ўз яқинлари билан юргандек ўзини ҳис этади. Ҳали айтганингиздек, «Гулҳовуз»лар атрофида (гўё ўз уйидагидек) тарбия бериш ҳам осон, ҳам кўнғиллидир.

Шарофат ИСКАНДАР
қизи.

**УМР ҚАРВОНИНИНГ
ҚЎНҒИРОҚЛАРИ**

Азиза Исмаиловна, тарбиячи: — Ҳозирги пайтда боғчаларни қисқартириш ҳақида гап бўляпти. Шахсан мен бунга қаршман. Боғчаларни қисқартириш эмас, аксинча, кенгайтириш керак. Шунингдек, ҳорижий эллар таърибасидан ўрганиш ва боғчаларни компьютерлаштириш лозим. Ана шунда ишларимизнинг сифати ошади.

Клара Дадаева, 397-боғча мудираси: — Мен боғчаларимизни, албатта, миллийлаштириш лозим, — деб ҳисоблайман. Кечирасизлар, чиройли қилиб гапирингиз билмайман. Аммо менга берилган имкониятдан фойдаланиб, болаболаларимизнинг оддий беришмоқчиман.

...Ҳовлимизда гулҳовуз бўлади. Олдиғина ҳовуз, атрофи гулзор эди. Райҳон, жамбул, номозшомғул, атиргуллар барқ уриб очилиб ётарди. Шунинг учун бўлса керак, худо раҳмат қилгур бўвим ҳовузига «гулҳовуз»

бирингиз ўзингиз ишлаётган жойда вазирсиз, янги-янги ташаббуслар кўрсатиш сифатини ошириш учун қилинаётган ҳар бир ижодий ҳаракат ютуқлар келтириши шарт. Эҳтимол, у кишининг гапларини айнан келтира олмагандирман, аммо, шак-шубҳасиз, мазмун шундай. Президентимизнинг гаплари кўпдан бери дилимизда пайдо бўлган тугунни ечиб юборди. Гапират билан ишлайман. Бир пайтлар асосли равишда боғчаларимизда танқидий фикрлар бўлган эди. Танқиддан тўғри хулоса чиқариб олдик. Ишларимиз энди ёмон эмас. Биз ҳозир ўз дастуримиз билан ишлаймиз. Келгусида болаларимиз ҳорижий тилларни билимасалар, замонавий киши бўлолмайдилар. Шундай экан, бу муаммоларга эътиборни боғча ёшидан қаратмоғимиз лозим. Биз жажжигаримизга инглиз ва араб тилини ўргатишга кат-

мактаб ўзича, боғча ўзича бўлиб келяпти. Масалан, боғчада тайёрлов гуруҳини ўтаган болалар бир мактабга эмас, турли мактабларга тарқаб кетадилар. Бу тўғри эмас. Турли боғчалардан келган болаларнинг савияси ҳам турлича бўлади. Ундан кўра боғчалар мактабга яқин жойда бўлиб, тайёрлов гуруҳининг болалари бир синфга ўтсалар, дуруст бўлади.

М.: — Ҳозирги кунда боғчаларнинг тури ҳам кўпайиб борапти. Эҳтимол, бу ҳақда ҳам фикрларингиз бордир.

М. Ю.: — Буларнинг орасида энг яхшиси оилавий боғчалардир. Негаки, бола ўша хонадонга ўрганса, оилавий муҳитга яқин бўлади. Ўз яқинлари билан юргандек ўзини ҳис этади. Ҳали айтганингиздек, «Гулҳовуз»лар атрофида (гўё ўз уйидагидек) тарбия бериш ҳам осон, ҳам кўнғиллидир.

МАҚСАД БЎЛАКЧА

Кўнғиллик ҳолларда очилган дарс билан намунавий дарсликнинг фарқи борилайди. Гўёки улар бир хилдек. Мақсаддан келиб чиқадиган бўлса, дарсларни 3 турга, яъни одатдаги, очилган ва намунавий дарсларга ажратиб муножид.

Одатдаги ёни қундали дарслар ўқитувчи томонидан ҳар кун катта тайёрлик билан ўтиляверади. Мақсад болаларга пухта билим бериш.

Очилган дарслар эса ўқувчиларнинг билим савияси билан биргаликда тарбиявий интизомини кузатиш, ота-она ўқитувчининг билим беришидан қаноатланмаса, одатли ташкилотлар берган ёрдамларнинг таълим-тарбияга таъсир ва натижасини аниқлаш ниятида бўлса, мактаб маъмурияти, синф раҳбари ва фан ўқитувчиси билан келишилган ҳолда ташкил қилинади. Бу ўқитувчи, тарбиячи, мактаб, оила ва ота-она ташкилотининг ўзаро ҳамкорлигини кучайтиради.

Намунавий дарсларнинг юқоридагилардан фарқи шундаки, бундай дарсларни энг тажрибали, яланғуз чан ёки ёш бўлса-да, иқтидорли, ўз фанини чуқур биладиган ўқитувчилар ташкил қилишлари мумкин. Бундан қўзғалган мақсад янги услубни, илғор таърибларни ўқитувчиларга етказиш.

Мактабда ўқитувчиларнинг кундалик дарс қўзғатувлари, бир-бирларига услубий ёрдамлар ташкил қилиш машғулоти билан юқоридаги дарслар турларини алаштириш лозим.

Бундан келиб чиқадикки, ҳар бир дарс очилган ёки намунавий бўлолмайдик. Одатдаги дарсларга ўқитувчининг розилиги билан яқин тартибда ўқувчиларнинг тарбиячилари қатнашишлари мумкин.

Х. ЖўРАЕВ,
Бухоро вилояти Қоракўл ноҳиясидаги 35-ўрта мактаб ўқитувчиси.

Виждонан меҳнат қилаётганлар

Шогирдининг кимлигини билмоқчи бўлсанг, аввало, унинг устозига назар сол, дейишади. Ҳақиқатдан ҳам, эндиликда ўқувчилар китобий сабоқлардан кўра кўпроқ ҳаётда кўрган-билганларидан эшитган ва кузатганларидан ўрнак олишга интиляшади. Шу майдонда жуғдирият педагоглар орасида нафақат билим бериши билан, балки одоб-ахлоқ, оилада ўз таърибаси билан яхши ном қозониб, ўқувчиларига ҳам ўрнак бўлиб, уларни ўз наmidан бошқараётганлар талайгина.

Ана шундайлардан бири Тошкент шаҳридаги 141-ўрта мактабнинг муаллими Азиза Раҳимовадир. Шунинг ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, опа мана шу баҳорда ўзининг 40 йилдан буюн бир мактабда ишлаб келаётганлигини нишонлаш арафасида.

— Таълимнинг қирралари кенг, — дейди Азиза Раҳимова. — Масалан, муаллимнинг ўқувчига таъсир, унинг одоб-ахлоқ борасида тугган мавқеи ҳам таълим-тарбиянинг бир қўрнинишдир.

Опа меҳнат қилаётган илм даргоҳида педагоглар жамоаси кўнғиллини ташкил этади. Уларнинг барчаси ҳам опанинг собиқ ўқувчилари, шогирдлари, дейил-



ганда муболага бўлмайди. Узоқ йиллик таъриба соҳиб шогирдларининг ҳар бирига алоҳида аҳамият билан қарайди. Чунки, у ўз таърибаларини жамлаб, бир неча бор оммалаштирган. Бу эса нафақат ноҳияда, балки шаҳарнинг барча ўқитувчиларига ҳам қўл келмоқда.

Ўз касбининг устаси Азиза Раҳимова ҳар бир кунини мактабсиз, унинг қувончларини янада мустаҳкамлаш юзасидан ўзаро фикр алмашдилар. Шу тариқа болалар қалбига ўзбек-тожик халқлари ҳамдўстлиги, ҳамкорлиги уруғлари сепилди.

СУРАТДА: А. Раҳимова навбатдаги дарсга кириш олдида тайёргарлик кўрмоқда.

ЯХШИЛИК УРУҒИ СЕПИЛДИ

Ўрта Чирчиқ ноҳиясида қарашли Ш. Рашидов номи 24-ўрта мактаб жамоасининг сўнгги йилларида олиб бораётган ишлари тез-тез тилга олинмайдиган бўлиб кетди. Бунинг ўзига хос тарихи ва сабаблари бор. Халқимизда «Битар шнинг бошига, яхши келар қопиға»

деган доно нақл бор. Мактабта ёш, иқтидорли, ташаббускор педагог Акбарали Жабборов раҳбар бўлиб келинмо, иш тубдан ўзгарди.

Ўрта Чирчиқ ноҳиясида ўзбек, қозоқ, рус, татар, корей, турк, тоjik, уйғур каби ўндан ортиқ миллат вакиллари яшагани учун ҳам

лар билан ҳамдўстлик алоқалари тикланди. Наврўз арафасида билим даргоҳи кўшини Тожикистон жумҳурияти Хўжаид шаҳридаги Абдурахмон Жомий номидаги 25-ўрта мактаб (директори А. Қодиров) жамоаси билан ҳамдўстлик, ҳамкорлик шартномасини тузди. Ш. Рашидов номи мактабнинг бир гуруҳ илғор, аълочи, санъаткор ўқувчилари у ерда бўлиб, ўз иқтидорларини намойиш этди-

лар. Бадини кечада ўқувчиларнинг дўстлигини мадҳ этувчи интермедиялари, ланлар ва шеърлари йиғилганларда улкан таассурот қолдирди.

Кечада мезбонлар ҳам санъат соҳасида меҳмон ўқувчилардан қолшимаслигини исботлаш олдлар. Айниқса, мезбон ўқувчиларнинг «Ширин сув» фольклор дастасининг қишқилари алоҳида таъсирга лойиқдир.

Сафар якунида меҳмонларга эсдалик совғалари топширилди. Иккала илм маскан вакиллари бундан буюн қон-қариндошлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш юзасидан ўзаро фикр алмашдилар. Шу тариқа болалар қалбига ўзбек-тожик халқлари ҳамдўстлиги, ҳамкорлиги уруғлари сепилди.

Д. ҲОЖИБЕКОВ,
Тошкент вилояти.

ТАҲЛИЛ ВА ЕЧИМ

Келажакимиз мактабда, шунинг учун ҳам маорифга эътибор ортатиш, дастурлар, режаларда сезиларли ўзгаришлар бўлиши кутилмоқда. Кейинги бир-икки йил ичида сифат жиҳатдан янги мактаблар кўпая бошлади: лицейлар, интернатлар, гимназиялар, коллежлар... Бу мактабларга ўқувчилар конкурс орқали қабул қилинапти. Уларда ўқийдиган болалар — Ўзбекистон Республикасининг илмий салоҳиятини, келажакини белгилаб берувчилардир.

Баъзи мактаблар олий ўқув юрти билан шартномалар тузишган; олий билимгоҳ, дорилфунун домлари бу лицейларда сабоқ беришади. Шартномага қўра, лицейларни битириш имтиҳонлари натижалари тегишли олий мактабга кириш имтиҳонлари ҳисобига ўтади. Аммо янги мактабларимиз учун ҳали ҳам Ўзбекистон Республикасига, хос бирорта дастур, дарслик, илмий-методик адабиёт, дидактик материаллар тайёрланмаган. Менинг мулоҳазаларим кўпроқ риззёт фанига, физика-математика лицейларига оиддир.

Физика-математика лицейлари учун муаллифлар гуруҳи алгебра, геометриядан дарсликлар ёзиш устида иш олиб борапти. Аммо бошқа типдаги лицейлар учун математикадан дарслик ёзишга ҳали киришилмади. Шу фан мутахассиси сифатида менинг гуманитар лицейлар учун математикадан қўлланма ёзиш тўғрисида туган режа ва гояларим бор. Лицейларда ўқитиш дарс беришнинг сифат жиҳатдан янги методикасини ишлаб чиқишни тақозо этади.

Иқтидорли болаларни нуқул «синф»да тизимда ўқитиш мақсадида мувофиқ эмас, албатта. Лекция, семинар, амалий машғулотлар, лаборатория ишлари, «ижодий масалалар» ишлари, уларнинг шартлари ва ечимлари таҳлил қилиш бўйича кичик илмий-семинар бўлиши, уларга ажратилган соатлар оқилона ўйғунлашиб берилиши лозим. Ўқувчиларнинг рефератлар, маърузалар тайёрлашларига эътиборни қаратиш муҳим.

Амалий машғулотлар, лаборатория ишлари, ижодий масалаларга оид машғулоти тизимини яратиб, уни синовдан ўтказиш жиддий масаладир. Лицейларда таълимий сифат жиҳатдан янги боснича кўтариш учун ҳар бир лицей бир-икки йиллик олимпиада «оталиги»да бўлмоғи, унинг шу лицейда ҳафта-сизга ақали 2 соат дарси бўлмоғи зарур.

Ишга бошидан жиддий киришимаса, эзгу ният билан очилган лицейларнинг оддий мактаблардан сира ҳам фарқи қолмайди...

Янги типдаги мактабларда дарс бера оладиган муаллимлар моделини яратиш лозим. Хўш, лицейларнинг бўлажак муаллимлари олий ўқув юртида қандай махсус курслар тингашлари керак? Назарий-амалий билимлар мажмуасидан ташқари, уларда яна қандай хислатлар бўлиши лозим? Бу саволлар ўз жавобини топиши керак. Педагогика олий билимгоҳлари, дорилфунуннинг мос кафедралари илмий кучларини янада йўналтиришлари шарт. Тегишли олий ўқув юртида, вазирликларда иқтидорли ёшларни ташлаш, ўқитиш, тарбиялаш муаммолари билан шугулланувчи гуруҳлар тузиш, илоизи бўлса, кафедралар, кабинетлар очиб айна мудоао бўлур эди.

Бундан ташқари, лицейларда чет тилларни ўқитишни тубдан яхшилаш лозим. Чунки эндиликда Ўзбекистон ва ўндаб хорижий давлатлар орасида дипломатик, тижорат, туристик, маданий алоқалар, ўқувчилар, талабалар айирбошлаш кўпаяди. Турли фанлар бўйича ўқувчиларнинг халқор олимпиадалари бўлади. Оддий муомала қилиш, эркин гаплашишдан ташқари, «касб тили»ни билиш ҳам ниҳоятда зарур. Бўлмаса, жаҳон миқёсига чиқишимиз қийинлашади. Лицейдаги ўқув давомиди бола 4—5 мавзу бўйича мухтасаргина маъруза, рефератни чет тилида тайёрлаши керак. Бўлажак муаллим олий мактабда бу ишга пишиб бориши. Тошкент давлат дорилфунунда бундай таъриба бор. Хусусан, риззёт кўллигиде баъзи курс, диплом ишлари т т тилида ёзилади, чет тилида кичик қилинади. Риззётдан кичик махсус семинар чет тилида олиб борилади...

Яна бир муаммо — халқимиз томонидан асллар давомиди яратилган қадриятларни, ажодлар тарихини бўлажак муаллимларга сингдириш лозим, токи улар мактабларга янги борганларда уларни ўз ўқувчиларини онига муҳрласинлар, болаларимизни маъқуртлик балосидан асраб қолсинлар. Хусусан, ўқувчиларни ислом тарихи, ислом уламолари, уларнинг ҳаёти, фойлиятлари, ҳадис илми, турли маъракаларда ўқилганлар суралар, оятлар қизиқтиради. Айрим рўзномалар жаридлар бу борада хайрли иш қилдилар. Ўз саҳифаларидан Қўрғон қарин оятларига, ҳадисларга жой берилади. Севишли рўзномамиз «Маърифат» ҳам «Ҳадис»дан, «Қобуснома»дан, бошқа иборатли китоблардан олинган, асллар давомиди сигналдан дурдоналардан чоп этиб, ўз муштарийларини хушнуд этмоқда.

Айрим болалар дарслардан бую вақтларида, жума кунлари эса дарсини ташлаб бўлса-да, маичтларга бориб намоз ўқийдилар, сабоқ оқийдилар. Домлар пул олмай, савоб учун болаболаларимизга диний сабоқ беришляпти.

Ўқувчиларимиз нчида араб харфларини ўқиш-ёзишни билиб, Қўрғон қаринини ўқишга тушганлари кўп. Аммо кўпчилик мактаб муаллимлари бу борада ўз ўқувчиларидан орқада қоляпти. Болалар муаллимни ислом асослари бўйича ёки бирор оятни ўқиш бўйича савоб қозниб, иза қилиб кўйишлари, муаллим эса уалиқ қозниш ҳеч гап эмас. Бунга ҳар бир матадан инсолар топилади. Хўш, бу муаммонинг ечими борми? Бор, албатта. Олий ўқув юртида бўлажак муаллимларга факультатив тарзда, дарслар ташқари вақтларда зарур, энг минимал диний сабоқ бериш лозимки, уни эгалдага, қолганини ўзи мустақил ўрганиб ола билсин.

Маориф тизими ҳар бир халқ маданиятининг таркибий қисмига айланмоғи, унга сингиз кетмоғи лозим. Дарсликларга қўлланмаларда болаларимиз яшаётган диёр нафаси уфуриб турсин. Мустақил

Биз халқ артисти, шоири, ёзувчиси ёки расмони ҳақида керагича эшитганимиз, ўқиганимиз. Балки, бунга уларнинг доимо халқ билан яқиндан муносабатлиги имкониятининг кенглиги сабабдир. Шундай бўлса-да, барчага илк бор қалам тутганимиз, ёзувчи-шоирга қалбидан ҳис-туйғуларини оқ қогоғга туширишда, расомга тасаввурдаги манзарани мўйқалам орқали инсонларга етказишда, ҳофизга қўйилган туб-тубидан отилиб чиқатган нозик нидоларини куй-қўшиқча мухлисларга улаштиришда асосатдан, алифни ўргатган муаллим сояда қолиб кетаётгандек. Балки, бунга унинг ўша-ўша кўрмисизгина мактабда келгусида машҳур кишилар бўлиш эҳтимоли борларга, ўша-ўша алифни ўргатаётганлиги сабабдир. Балки, уларнинг билан керагича қизиқмай, қандай ҳаёт кечиряпти, нималар уларни ташвишлантиряпти, дея унинг ҳасратларига қулоқ тутмаётганлигимиздир.

Бас, шундай экан, бутун муаллим халқидан кечинималарини ботинидан ташта олиб чиқайлик. Шундайин мақсадлар билан мен Самарқанд вилояти Ургут ноҳиясидаги 71-ўрта мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти муаллими, Ўзбекистон халқ ўқитувчиси, фахрий унвон соҳибини Яраш ака Мусурмонов хузурига отланганимда, юқоридagi каби ўй-хаёллар бошимда гўнжон айланарди.

Узоқдан Ургутнинг асим тоғлари улкан-улкан қор уюмаларидек кўзга ташланади. Яқинлашганим сайин қор турмас тик қоялар қорайиб, биз ҳануз ҳаётимиз, дея боқийлигидан дарак беради. Худди ўша тоғлар бағрида жойлашган Муродқўшиқдаги 71-мактабда бизнинг қаҳрамонимиз, ана, 34 йилдирки, нон-насибосини териб юрибди. Нанкин орттирган билим ва тажрибаларини шу қишлоқ ёшларига, кези келганда катталарига ҳам тортиқ қилиб келаяпти.

Яраш аканинг хонадонига борганимизда у кишининг турмушдоши Тошбуви ая бизга пeshов чиқиб, одатдгидек уйга тақлиф қилди. Хўжайинини суриштирганимизда, ноқулай сезиниб, биров тоблари қочганини билдирди. Дабдурустан келганлигимиздан хижолатлангансимо ҳол-аҳвол сўраш ниятида бўсага хатладик. Яраш ака ўрнидан қўзғалиб, биз билан саломатлик қилди. Мақсадимиздан воқиф бўлгач, биров тетиклашгандек ёнимизга келиб ўтирди.

Қаршимда ўтирган муаллимнинг қалин қўшлари оша боқатган кўзларига кўзим тушганда, у кишининг 57 йиллик умри давомида кечирган яхши-ёмон кунларининг аксини кўргандек бўлган. Гўё бу кўзлар шодонлик, бахти ёрлик-ла қайғу, изтироб, афсус аралаш боқатгандек менга. Шу каби пинҳоний сўхбатлардан сўнг кўнглимга тугиб қўйган саволларимни биринкетини айта бошладим.

Илк саволим уни узоқ ўтмишини эслашга мажбур этди.

— Нимасини айтман, 1934 йилда шу қишлоқда туғилдим. Отамни дехқончилик орақидан кўчи қўларди. Ўша пайтларда ҳозирдагидек ҳар бир қишлоқда мактабга йўл бўлсин эди. 22 чақиримча нарига, тўрвага бир ҳафталик йонни гаплаб, яёв ўқишга қатнардик. Кейинчилик билан етишганимиз тоғли бўлади. Ой тўлишгач, унинг ёрғинида (электр чирқоқлари йўқ эди) китоб мутулаа қилардик. Ўй-хаёлимизни фақатгина ўқиб, ўрганиш банд этганди.

Мен Яраш акага муаллимликнинг шунчалик машаққатли меҳнати, унинг устига бир тайинли роҳати бўлмаганлигини била туриб, нега айнан шу соҳа етаганин тундиргим, дея ҳозирги шароитдан келиб чиқиб, савол берман. У бу сўровга 1950 йиллардаги ўқитувчи орақидан нақадар юксаклиги, ҳар жойда барча илтифотлар, аввало, унга кўрсатилганлигини айтди. Албатта, бу каби ҳўрматга улар ўз фидойилигини ва тўғри сўзларни орқали эришган. Қолаверса, ўша кезларда муаллимнинг маоши ҳам ҳавас қилгудек бўлган экан.

Китобхонлики юксалтириш юртимизда муҳтаваклигини таъминлашда ҳал қилувчи омилдир. Бинобарин, халқ маърифатини кўтаришда зибҳо наларнинг алоҳида ўрни бор. Ҳар бир миллатнинг тарққий сиз эса, сўзсиз, унинг маърифат даражасига боғлиқ.

«...Маърифатли халқ шижоатли бўлу. Шижоат қалбнинг матонатидан, рўхнинг сало-матлигидан иборатдир...» — деб ёзган эди Абдулла Авлоний. Маърифат ҳазинанинг истиқболи эса кутубхоначи-ларнинг ақлий баркамоллиги, ўз касбларини маҳоратли ижро этиши ва фидойиликларига кўп жиҳатдан боғлиқ. Умуман, маърифатхонада зибҳо ҳал қилувчи шахсдир. Агар биз қанчалик ҳашаматли кутубхона бинолари қурмайлик, захирасини талаб даражасида тўлдирсак ҳам, замонавий техника аппаратлар билан таъминласак-да, барибир кутубхоначига кўп нарса боғлиқ бўлиб қолаверарди.

Шундай экан, кутубхоначилик касб-корлиги, билимдонлиги, маърифий маданиятини ошириш, уларга шароит яратиш зарурияти тўғрисида жиддийроқ ўйлаш керак. Бунинг юқори малакали маърифатшунослар тайёрлашни таъминлашни таъминлаштириш орқалигина амалга ошириш мумкин. Аммо турғунлик йилларида таълим тарбияда ва мутахассисларни ижтимоий ҳимоялаш борасида кечириб бўлмас даражада хетоларга йўл қўйилмадики, булар хусусида бутун афсус билан гапириммоқда.

Бундан маърифатшунослар ҳам четда қолгани йўқ. Кутубхоначиларнинг ижтимоий ҳимояланмағлиги уни қашшоқлик оstonасига олиб келди. Оқибатда жуде кўп билимдон мутахассислар бу соҳани тарк этишга мажбур бўлдилар. Ҳозир ҳавонинг нечоғли оғирлигини қўйидаги кўрсаткичлардан ҳам англаш мумкин.

1988 йилда Ўзбекистон Маданият вазириликка қарашли Давлат оммавий кутубхо-

— Айни пайтдаги узоқ мудраган кўзларинг очилиб, ҳақиқатга юз тутлаётган бир пайтда у йиллардаги одамлар шижоатию ўз бурчига маъсулликни англаши, асосийси тарбияси ҳозирларда бўлса борми, оз фурсатда қўзланган маррани забот этиши мумкин эди, биркам дунё экан, — дея ерга қарайди Яраш ака.

Қаҳрамонимиз ўнинчини тугатгач, ўз қишлоғида бошланғич синфларга сабоқ бера бошлайди. Кейинчилик Яраш аканинг устози — ноҳияда биринчи бўлиб ЎзДУ (ҳозирги СамДУ)нинг тил ва адабиёт куллиетини тамомлаган Насриддин Нажмидинова бўлган ҳаваси, қолаверса, ёшларга таълим бериш иштиғи баландлиги Тошкентдаги Низомий номли муаллимлар тайёрлаш олий илмгоҳига етаклади. Уни сиртдан тугатгач, ўзи учирма бўлган мактабга қайтди. Аввало ўқитувчи, сўнгра, яъни 1962—89 йилгача, 71-ўрта мактабда директорлик лавозимиде фаолият кўрсатди.

— Азалий урф-одатларимизни йўқ қилиш ниятида қилинган сўнги ҳаракат (иншолло шундай бўлсин) даврида (мен 1948—85 йилларни назарда тутаялман) нега мактаб Бобур



номида, дея райкомпартияда ишимизни муҳоама қилинган. Ўзларича мактабга Сухомлинский номини бериб, қарор чиқаришган. Сўнгра мени пойтахтга муҳр учун юборишди. Турли хил сабабларни рўқаб қилиб, Тошкентдан «қуруқ» қайтдим. Яхши кунлар яқин экан, ҳаммаси жойига тушиб кетди, — дея истеҳзо билан кўлди Яраш ака. Мен шу ўринда бир ёзувчининг «гап оломонда эмас, уни бошқаришда» деганини эсладим. Негаки, халқ ўша «раҳнамолар»нинг гапларини мутлоқ тўғри, дея не-не ишларга қўл урмади. Қарши чиққанининг боши кесилди, дорга осилди. Ҳозирда уларни афсуслар билан хотирлаш қолди, холос.

Сўхбатимиз беихтиёр маънавиятимиз таназули ва унда ўзбек тили ва адабиёти фанининг тутган ўрни хусусида давом этди.

— Энг оғири, — деди Яраш ака, — ўқувчиларга шу пайтгача ҳақ деб келганларининг бутун тескарисини айтишнинг. Начора, ҳеч бўлмаганда, кеч бўлса ҳам тўғрисиини айтишга мажбуримиз. Ўн йиллаб кишанлаб келган фикрларнинг бугунги кунда айтилишига шукр қилайлик.

Бу гаплар билан Я. Мусурмонов тил ва адабиётимиз сарқори Алишер Навоийни дахрийга чиқарилганлиги, Аҳмад Ясавийнинг дурдона асарларини ўрганишдан бутунлай маҳрум этилганлигимиз, Чўпон, Фитрат, Усмон Носир ва шу каби ўнлаб адибларнинг асарларининг мутулаа қилиниши таққидланганлигини назарда ту-

да. Тажрибали ходимларнинг салғоғи низоҳатда кам. Узлуксиз меҳнат феолияти беш йилгача бўлганлар 45,4 фоизини ташкил қилди, холос. Маънавияти куйи бўлган энг қашшоқ мамлакатдагина шундай бўлиши мумкин. Соҳамиздаги пала-партишлик, мутахассислар кўнимсизлигини юзга келтирётган асосий сабаб нимада? Аввало биз ўз мутахассисларимизни ишга жойлаштириш, ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ҳозирча эътиборни бирор иш қилганимиз йўқ. Бу юмушни бўйига олган мутасадди ташкилотларини халқ сўроққа тутавериш зарради. Кутубхона ишини тарқ қила-

МАЪРИФАТШУНОСЛАР ТАЙЁРЛАШНИ БИЛАМИЗМИ?

бестонда мазкур йўналишда мутахассислар етарли тайёрланмоқда.

Абдулла Қодирий номли Тошкент давлат маданият олийгоҳида ҳар йили 500 га яқин олий ҳамда бешта маданият-маърифий техникумлариде 1000 дан ортқ киши ўрта махсус маълумотли кутубхоначи деган ҳужжат олмоқда. Биргина 1974-1984 йилларда жумҳурията 4449 олий малакали, 1972-1982 йилларда 5898 нафар ўрта махсус маълумотли кутубхоначи — библиограф етиштириб берилди. Демак, биз тайёрлаётган маърифатшунослар ўз ихтисосликларни бўйича ишламаётдилар. Ўзбекистонда 20 фойз зибҳо ҳар йили ўз иш жойини ўзгартирмоқ-

таётган бўлса, ажабмас. Негаки, онгидеги миллат тушунчаси заҳарланаётган омма учун улар малҳам вазифини ўтарди. Россия боққинчилари учун эса бу катта тўсиқ эди.

Таназулнинг шу каби сабаблари хусусидаги гаплар анча чўзилди. Мен Яраш акага: «хўш, энди-чи? — дея юзланман. У ўзбек тили ва адабиёти фанлари маънавий тиклиши жараёнда энг муҳим восте эканлигига тўхталади.

— Аввало тилмиз ҳақида сўзлаш ўринли. Шу пайтгача унга ҳам бир неча бор ҳўжм қилинди. Алифбомизни ўзгартириб, грамматикамизга айрим «янгликлар» киритилди, шу йўл билан бир миллатни забонсиз қилиш ҳаракатлари ҳам бўлди. Бу шум ниятлар тўласинча амалга олмаган бўлса-да, маълум даражада ўз салбий кўринишини намоян қилди. Шу туйғайли «Ўтган кунлар» эди романлардаги сўзлашувлар ҳозирда авлодларни энтикти-ради.

Она тили дарсларининг ўтилишига келсак, мен унга ажратилган вақт хусусида тўхтамайман. Керагича бу ҳақида нолалар қилинди. Ҳар бир дарс, менинг тасаввуримда, шундай

• Халқ ўқитувчиси МАЪНАВИЯТ САРҚОЙ ХАЗИНАБОНИ

бўлиши керакки, унда ўқитувчи зибҳо маърузачи вазифини ўтамасин. Маълум бир мавзу ҳақида асосий тушунчани бергач, ўқувчилар олдида муаммони қўйиб, амалда «онининг ҳосилини қўришга» ошиқман. Бу болада шаклланиш керак бўлган мустақил мушоҳаданинг юзга келиши учун энг муҳим омил. Шу билан биргаликда ўзбек тили ибтидоиси билан ҳам ўқувчиларни таништириб бориш муаллимнинг асосий вазифаси бўлиши керак. Ҳозирда бу каби мавзу дастурда йўқ-ку, деб қараб ўтириш ярамайди.

«Совет миллати» яратиш ниятида бўлган сталинча мафруранинг, кейинчилик эса бошқа кўринишларда зоҳир бўлган шу каби интишларнинг хом хаёл эканлигини бугунга келиб ойдинлашти. «Ҳар бир миллат ўз тандирини ўзи белгилайди», деган одилона гапга амал қилиш эндигина кўзга ташланмоқда. Яраш ака билан бўлган сўхбатимиз қанчалик узундан-узоқ бўлмасин, барибир маънавият мавзусидан четлаша олмадик. Бунинг мен сўхбатдошимнинг касб-корига, у талланган эзгу йўлга йўйишдан бўлак чора топпади.

— Юқорида айтганимдек, не-не миллатларвар, эркинларлар тақдири бир бўлди-ю, қолган оғина қисминини талқин этиш бир бўлди. Яъни, шу кунгача адабиёт фанини маълум бир қоидада фикрлашга ўрганиб келинди. Китобдаги асар тўғрисида «қиссадан ҳисса» тарзда берилган ахборотсифат қисса мазмун билан чеклангилди. Мақ-

сад эса ўқувчини бир шахснинг (дарслик муаллифи) фикрини маъқуллашга эмас, балки унда асар юзасидан шахсий фикр уйғотиш бўлмоғи керак.

Яраш аканинг айтган бу қисқача ҳикосини шу каби муаллимларни фахрий унвон билан тақдирлаш тўғрисидаги фармонда айтилган «ёш авлодга татлим беришдаги фаолияти учун» деган жумлаларга тасдиқ сифатида қабул қилдим.

Саҳий инсон 34 йиллик фаолияти жараёнда тўплаган жамини тажрибаларини имкони даражасида ортдан келатганларга мерос қилиб қолдиришга интилади. Яраш ака бу борда анчайин ишларини удаллаган. Ҳозирда 40 нафарга яқин шоғирлари ўзи билан ёна-ён иш олиб борапти. Раҳмон Баротов, Турсунбек Норқулов, Баҳриддин Усмонов, Мели Рўзқулов, Хосият Эргашева ва қўпгина муаллим муаллимлар Я. Мусурмоновни устоз деб билиб, ҳўрматини жойига қўйишади.

— Шунданми, — дея гапга қўшилади 71-мактаб директори Сайфиддин Шуқуров, — жамоамиз жуда аҳил. Нимаини тадбир бўлса, бир оғиз Яраш аканинг олдида ўтишни қанда қилмаймиз. Раҳбарман, дея билганимча иш қилсанг, қўқилсан. У киши, оғина вақтлари бўлса ҳам, ёш ўқитувчилар билан кўюниб гаплашиб турганини кўп қўрганман.

Энди Яраш акага, фахрий унвон берилишига сабаб деб топилган қуйидаги, ишлар яъни «мактаб ҳамда халқ таълимининг бошқа муассасаларида ўқув-қатнашганлиги» билан қизиқаман. Бу хусусида қаҳрамонимизнинг ўзи «қўлимиздан келганича ёрдам бериб турибмиз», дея камтарлик қилди. Кейинроқ маълум бўлишича, 5 гектар ерда тоқор ташкил этилиб, мактаб жамоаси ундан баҳраманд экан. Ташаббус, албатта, Яраш аканики. Қоида боғбончилик жўш уриб кетган бўлса, не ажаб.

Гап яқини етказиб келди, дейишади. Сўхбат жараёнда қаҳрамонимизнинг яна бир «сири фош бўлди». Ўзининг ўн бир фарзанди оиласидан ташқари, яна юз оила асарлигига ҳам бош-қош бўлишга вақтлари топиларкан.

— Агар унда қилосанглар, унта оиласини мактаб ҳисобига ўтказишни қўйилга туганман, — дея директорга юзланади Яраш ака. У ҳам устози куюнчаллигига тин бериб, маъқуллашдан бўлак чора топпади.

Ҳар бир кишида асосий касбидан ташқари яна бир қанча хунари бўлсин экан. Шунда ҳаёти ҳам сермаз-мун кечаркан. Яраш ака мактабдан толиқиб келадиги, тоғ ён бағрида жойлашган ороққо ерга ишлов бериш билан хордиқ чиқаради. Шунчалик шижоат, унинг устига саҳават кўрсатиш ҳаммага ҳам насиб этмайди.

Шу ўринда, гарчи бу сифат халқ ўқитувчиси унвонини беришда таъкидланмаган бўлса-да, уни эслаб ўтишни лозим топдим. Негаки, халқ муаллимини халқнинг ўзи қанчалик эъзозлайди ва нима учун? Шу турдаги саволлар жавабсиз қолса бўлмас. Яннда Яраш аканинг ташаббуси билан қишлоқда чўхона қўриб битказилди. Ҳар бир тўю мараклада у киши исрофгарчиликка йўл қўймайсизлигини назорат остига олган. Қишлоқчиликда бўлиб турадиган оилавий жоғролар ҳам Яраш ака аралашгач, тичийди. Булар ҳаммаси унга бўлган чексиз ҳўрмат натижаси.

Сўхбатдошимлар билан ҳайр-ҳўшлашиб орта қайтдим. Ургутнинг асим тоғлари аста-секин яна қор уюмларига айлана бошлади. Кўзга яққол ташланиб турган қор турмас тик қоялар бора-бора кичрайиб, қўздан гойиб бўлди. Зеро, инсоннинг кимлиги ҳам унга яқинлашмасанг, қалбига қўлоқ тутмасанг, турмуш ташвишлари уюмида кўриниш бермайдигандек...

Абдусамат РАҲИМОВ, «Маърифат» мухбири.



ЛОБАРУ ЗЕБО ҚИЗЛАР

В. И. Ленин номидаги педагогика билим юртида Наврўз байрамга бағишлаб ўтказилган адабий-бадиий кечадан олган ёрқин таассуротларини шу сўзларда ҳам ифодаламочки эдим.

Шу кун шоду ҳўррамлик даврасида устоз шоғир, меҳмону мезбон, хонадан созада — жами йилгилар азалий ва боқий Наврўзни алқашди. Чунки бу Наврўз — Мустақиллик сарқин еллари эсаётганда, жумҳуриятимиз Бирлашган Миллатлар Ташқилотида аъзо қилинганде, юздан ортқ мамлакат жумҳуриятимизни таниган, тан олган доруломон кунларда кириб келди. Шунинг учун қўлимиз кўксимизда, қадамнинг яна ҳам қўтлуг бўлиши, ҳуш келтирилган элимизга, Наврўзимиз, дейимиз.

Билим юртига кириб борганимизда бир томонда қарнай-сурнай садолари осмонни тугатганди. Тансиқ сулармалаклар пишириляётган қозонлар атрофи ёш-яланглар билан гавжум. Атлас қўлақлари, ироқи дўшларини ҳўб ярашган лобар қизлар ўқитувчилари Санобархон Тожиева раҳбарлигида халқ лапарларини ижро этишяпти. М. Ғулумова, Х. Шуқуров, Х. Жуманов, А. Усмонов, З. Икромов сингари ўқитувчилар сумалакни ҳаммага маназур қилишга бел боғлашибди. Гулдола Атамбоева, Шоира Йўлдошева, Шохида Холтоева, Сурайё Тулганова... Санъатни жондан севган бу қизлар билим юрти фольклор-этнография ансамблининг флот-иштирокчилари бўлиб, узар ўқинида ҳам, ҳуққ-одобда ҳам барчага намунадилар.

Кенг пешайвонга терилган столларда ҳар бир гуруҳнинг пазанда қизлари Наврўз таомларини намойиш қилишяпти. Бу ерда энди униб чиққан бугдғой майсасидан тортиб, кўк сомса, чўваралар, турли хил ширинликлар, пишириқлар зебо қизларнинг қўнгул пазандалигидан ҳам нишонча. Миллий либослардаги ширин қизлар нозик табассум билан бир пилеа чой узатади сизга...

Жарчилар Наврўз келганидан хабар беришади. Ба-

З. ТУЛАГАНОВА. Суратда Наврўз тантаналаридан лавҳалар. А. ЧАПЛИГИНА тасвир.

ТЕАТР АКТЕРЛАРИ МАКТАБДА

Бағри кенг, меҳри дерб, захматқаш халқимиз янги йил айёми — Наврўзни интизорлик билан кутиб олди. Бу янгилини байрам маҳалла-ларда, или маскенлариде, олий ўқув юртиларда, қўйин-ки, ҳамме жойда кенг нишонланмоқда.

Пойтахтнинг Ленин ноҳиясидаги 110-ўрта мактабда ҳам Наврўз шодифеис гоят жўшқин, тароватли ўтди. Турли миллат фарзандлари таълим-тарбия олаётган билим маскенининг кенг ва ёрғу мажлислар зели ота-оналар, маҳалла фалолари, ўқитувчи ва ўқувчилар билан гавжум бўлди.

Анжуман бошланғич синф талабаларининг байрам табриги билан бошланди. 11-«А» синф ўқувчилари ижро этган «Келин келди, ёр-ёр, «Келин селом» кўринишлари ҳамда Шароф Бошбековнинг «Темир хотин» асаридан намойиш қилинган парча йилгиларда катта таассурот қолдирди. 10-«А» синф талабалари «Келинлар қўзғолони» асарига ижодий ёндашган ҳолда парча кўрсатдилар.

Тантанада бошланғич ва юқори синф ўқувчилари ўзларининг дилрабо қўшиқлари ва шўх рақслари билан йилгиларини хушнуд этди.

Байрамга таширф бюорган ёш хонада Достон Убайдуллаев, эстрада хонадаси Авазбек Олимовлар ўзларининг ёқимли қўшиқлари билан шодифеис қиритдилар. Абдураим Абдувахобов — «Шум боланинг «қаҳрамони» шу асардан бир кўриниш кўрсатди.

Ҳамза номидаги Ленин орденли ўзбек давлат драма театрининг бир гуруҳ артистлари ва бошқалар мазкур анжуманинг меҳмони бўлишди. Улар «Отелло», «Олдузли тунлар», «Ўғрини қорқочи ўрди», «Олтин девор» сингари саҳна асарларидан парчалар кўрсатиб, байрам иштирокчиларини хушнуд қилдилар. Димбар ХУҲАЕВА, мухбиримиз.



ЎЗГА БИР ОЛАМ

Узоқ қутилган Наврўз еллари Нурота тоғлари орасида жойлашган Ўлфатан қишлоғига ҳам кириб келди. Атрофини ашил майсалар қўллаб, табият уйғонмоқда. Бу, албатта, фасалар келинчаги баҳор ва Наврўз тугайлидир. Биз олдиндан режалаштирилган наватбатдаги дарсимизда Наврўз дастлаб қачон ва қерда пайдо бўлган экан» деган савол устида ўқувчилар билан биргаликда бош қотирдик. (Нагизда болалар қўллаб китобларни мутулаа қилдилар). Шу қаторда ушбу машғулотда сўзлашди, халқ, кўк сомса каби Наврўз таомларини ҳақиқда ўқувчиларга тўла маълумот беришга ҳаракат қилдим.

Бир соатлик дарс ўқувчиларда катта қизиқини уйғотди. Илгариги дастур ва режаларга асосланиб, эски мавзулар ҳақида ўқувчиларга тешучча бераверибмиз-у, лекин уларнинг ҳайратланганини, қизиқиларини ҳисобга олмаймиз. Гапни мухтасар қилиб шунини айтиш мумкинки, 5—9-синфларда ўрганилаётган жумҳуриятимиз тарихи дарсликлари ҳозир ҳеч қимини қаноатлантирмапти. Уларда табиийлик билан илмийлик омухталаштирилмаган. Тарих дарслирида қўллай бошлаган ўз анъаналаримиз, она қишлоғимизнинг урф-одатлари, тарихи болалар учун ўзга бир тарих, ўзга бир олам экан. Бир соатлик дарс жараёнида мен бунини чўқур ҳис этдим.

М. САҚОНОВ, Самарқанд вилояти Пайарқи ноҳиясидаги 64-мактабнинг тарих фани ўқитувчиси.

ЕШЛАР НАЗДИДА — КЕЛАЖАК МУАММОСИ

Анджон шаҳридаги А. Қодирий номли 41-ўрта мактабда кичкинчи йилдирки, махсус иқтисодчилар тайёрлаш синфи фаолият кўрсатмоқда. Яқинда бу синфда илмий-амалий конференция ўтказилди. Унда олимлар, оталиқ ташкилотларнинг раҳбарлари ва муаллимлар қатнашди.

Конференцияда сўзга чиққанлар барчани ўйлантиратган муаммолар, касб танлашда хунар-техника билим юртининг ўрни, бозор иқтисодиети масалалари хусусида фикр юритдилар. Айниқса, ёшларнинг келажак ҳақидаги мулоҳазалари кўпчилигини ҳайратта солди. Анжуманга таширф бюорган ўндай тадбирнинг тез-тез тўқнаб турилиши фойдадан ҳоли эмаслигини таъкидладилар.

А. ҚИРГИЗОВ.

(Давоми 4-бетда).

НОМИ ДИПЛАРДА, ТИПЛАРДА

Наврўз оз бўлмаса унутилмаган эди. Ҳаётимизда рўй берган янгиликлар, хайрли ўзгаришлар тўғрисида у яна халқимизга қайтиб, севимли айёмлардан бирига айланади. Эндилекда Наврўзни тили чиқе бошлаган болажонлардан тортиб, пирю бадавлат кексаларимизгача қувонч билан кутиб олишмоқда. Шу боис республикамиздаги кўплаб маданият масканлари, маҳаллалар, оромгоҳлар Наврўзи номи билан аталмоқда. Пойтахтимизнинг ўзида бу халқ байрами билан боғлиқ бўлган қанчадан қанча жойлар борлигини фахр билан таъкидлаш зарур.



ХАЙРИЯ ФЕСТИВАЛИ

Кўзи оқизлар мактаб-интернати, ёхуд ногирон болалар таълим олаётган илм даргоҳларида бўлганмиш? Албатта, кўпчилик йўқ, дейиши тўғрисида шубҳа йўқ. Чунки бундай илм даргоҳлари жумҳуриятимизда санокли, иккиламчи эса, бу ерда таълим олаётганлар узоқ йиллар давомида эл назаридан четда қолиб келди. Биз оғли инсонлар, улар ҳам ўзини сингарил борлиқдаги барча нарсалардан манфаатдор эканликларини, афсуски, унутиб қўйгандик.

Уларга қийин, жуда ҳам қийин... Қуни кеча пойтахтимиздаги «Баҳор» концерт зали одамлар билан гавжум бўлди. Улар бу ерга одатдагидек томоша учун эмас, балки... Залда кўпчилик қатори жумҳуриятимиздаги махсус мактаб-интернат л а р и н и г ўқувчилари ҳам таширф буюришган, бўлажак концертнинг тинглаш мақсадида интизорлик билан, қимтинибгина ўтиришардилар.

Ҳа, бугун ана шундай масканларда таълим олаётган кўнгли ўқик болаларни кўрганганда, ич-ичиндан эзилгандик.

«Наврўз» бахт уйи. Айём арасида бахт уйининг директори Тўлқин Орипов бизга кўйидагиларни гапириб берди: — Мажмуиамиз ўтган йили Наврўз байрамида очилган эди. — Кўп ўтмай шу жойда ишбилармонларнинг халқро учрашуви бўлиб ўтди. 500 ўринли катта хона ва иккита 200 ўринли кичик хоналардан иборат ресторанимиз бор. Асосан бахт тўйлари ва бошқа маросимлар ўтказялмиш. Тошкент халқ кўчалари олий илмоғи, кимёвий ўсимликлар илмий-ишлаб чиқариш олийгоҳининг тўйлари, айниқса, кенг нишонланди. Шахримиздаги корхона ва ташкилотлар учун ҳам турли кечалар ташкил этиляпти.

«Наврўз» талқаро дўстлик театри. Бу ҳамамажлибининг илк пойдевори ташланганига 17 йил бўлди. Бунёдкорлик ишлари турли сабабларга кўра чўзилиб келляпти. Бундан икки йил муқаддам унга Наврўз номи берилиб, ишлаб бормунича эвж олдириб юборилди. Ҳозирги кунда у ерда биринчи кўрилик бошқармасига қарашли 130 нафар ишчи меҳнат қилляпти. Қурувчиларнинг фикриче йил охиригача фойдаланишга топширилиши мўлжалламоқда.

1300 томошабинга мўлжалланган томоша қўшоно ҳаёдаги халқлар дўстлигини мустаҳкамлаш учун хизмат қила боляди. Чунки бу ерда турли миллат театрларининг тасвирлари ўтказилди. Шунингдек, миллий-маданий марказлари жойлаштириш ҳам кўзда тутилмоқда.

«Наврўз» чойхонаси. Ҳамза район маҳаллалар ишини мувофиқлаштириш кенгашининг раиси Неъмат ака Ҳасановнинг айтишича, «Янгиобод» ҳаёсида 40 миңдан ортиқ аҳоли яшайди. Улар 12 та маҳаллага бirlаштирилган. Шу мақсадда турли тадбирлар ўтказиш мақсадида чойхона очилга қарор қилинган. Шу тариқа 1989 йил Наврўз байрами арасида чойхона фойдаланишга топширилди. Утган йили Наврўз тантанасида Ливия, Ҳиндистон, Монголия, Шимолий Корея давлатларидан келган меҳмонлар ҳам қатнашиб, чойхонада ўзбек таомларидан тотиб кўрдилар.

«Наврўз» меҳмонхонаси. «Ўзметавтортранс» бирлашмасига қарашли 3 қаватли бу бинода асосан бошқа шаҳарлардан келган ҳайдовчиларга хизмат кўрсатишмоқда. «Наврўз» охиносани. Бектемир районидagi мазкур таомхонанинг ўзига хос томони шундаки, бу жойда асосан уйғур миллий таомлари тайёрланади. Охиноса бугунги кунда яқин атрофдаги корхона ва ташкилотларда ишлётганларга хизмат кўрсатмоқда. Яқиндан эса бу ерда турли хил саноат моллари ва чет эл буюмлари билан савдо қилладиган «Наврўз» тижорат дўкони ҳам фаолият кўрсата бошпади.

Наврўз билан боғлиқ маънавийликни излаб топиб, улар сонини яна давом эттириш мумкин. Бироқ қар унда эмас. Энг муҳими, янгиликлар жараёнида миллий байрамимиз Наврўзнинг қайта тиклангани йил юқорида келтирилган миқдорлардан кўриниб турибди. Мухиддин БОЗОРОВ тўплад.

Узбекистон Ешлар Иттифоқи Марказий қўмитаси жумҳурият болалар ва ўсмирлар уюшмаси ҳамда «Сервеко» қўшма корхонаси ҳомийлигида «Меҳрибонлик» хайрия фестивалининг



Наврўз байрами кунларида ўтказилганлиги бежиз эмас. Байрам концертининг улашшида хушоовоз хонандалар Гўёс Бойтев, Ёш қизилчи Достон Ўбайдуллаевларнинг хизмати катта бўлди. «Ялла» вокал-чолу ансамбли, «Қарс» гуруҳи, Низомиддиновларнинг оилавий чўқишлари кўпчилигини манжун этди. Махсус мактаб-интернатлардан келган ўқувчилар республика фестивали сўнгига «Сервеко» қўшма корхонаси ташаббус билан ташкил этилган совғалар билан тақдирландилар.

Суратларда «Меҳрибонлик» республика хайрия фестивалидан лавҳалар ақс этган. А. МАМАДАМИНОВ, Р. АЛЪБЕКОВ олган тасвирлар.

РЕЖА-ЧЕГАРА ЭМАС

10 тонналик йиллик режасини бажаришда жонбозлик кўрсатдилар.

А. Костилков, С. Дёмин ва ўқувчилардан А. Хамроев, А. Мусаев, У. Хантбоев, В. Жамолиддинов, Р. Солиқов, М. Осиповлар қўшган ҳўс, айниқса, салмоқли бўлди.

МАЙЛИ, СЕНИ ДЕБ...

Негадир ерга сиймаётгандекман. Осмонга чўнгим келди, ойга осилиб олиб, булутларни ўзимга сирдош қилгим келди. Ёмғир бўлиб деразангнинг чертмоқини, губорларнинг юмюқини истайман. Майли, кейин шамолга айлансам ҳам! Шамол бўлиб сочларингни ўпсам, силасам, майли. Шамол ҳар ёққа тўзгитган хазонага айлансам ҳам, кошчи эди! Йўл, йўл, аввал ишил барг бўлай, кейин майли, сарғай-сарғай йўлакларга тўкнай. Майли, сен юрган йўлларга тўшалай. Сен босиб, янчиб ўт уларни. Мен оғриқнинг зўрадан инграй.

Кейин, майли, баҳор бойчечанга айлана. Уни сен биринчи бўлиб кўр ва узиб ол. Сувиқликдан сулганимдан кейин эса истаган тарафинга отиб юбор. Ташналикдан қийналай, танам шикастлансин — сувага айлиб қолай. Йўқ, дарёга айлан, десанг, дарё бўлайин. Сен мен кечиб ўт. Тинч сувиқ йўқалсансин. Юзингни юр, майли... Майли, нимага айлан десанг айлиб қолай. Фақат сендан битта ўтинчим. Қачонлардир (балки ҳар кунин) ўша нарсаларга дуч келганимга булар барчаси Мен эканлигини сезмасанг-да, билмасанг-да, уларга бепарво бўлмай! Улар сени деб ёмғирга, шамолга, хазонга, оқ қорга, баҳор бойчечанга, дарёга айланган М.-Н. ман. Барно СУЛТОНОВА.

ТАЖРИБА АСОСИДА ЁЗИЛГАН

да «Ўқитувчи» нашриёти республика Халқ таълими вазирлиги тасдиқлаган адабиёт ўқитувчилари учун зарур бўлган «Мактабда Уйғун ҳаёти ва ижодини ўрганиш» номли қўлланмани нашрдан чиқарди. Шарофжон Орифий қаламига мансуб ушбу қўлланма бошланғич синф ҳамда адабиёт ўқитувчилари учун мўлжалланган бўлиб, мактабда Уйғун ижодини қай йўсинда ўрганишни тарғиб этади.

Унинг бошқа адабиёт қўлланмаларидан афзааллик томонлари шундаки, I—IV синф ўқиш китобларидан Уйғуннинг кичик лирик шеърларини ўрганиш, уларни ифодали ўқиш, мазмунини ўзлаштиришнинг баъзи усуллари ҳақида мухтасар фикрлар бидирилган. Бундан ташқари муаллиф 4—5—7-синф ўқувчилари учун бадиий асарларнинг жанр асосида ўрганишининг ўзига хос усули тавсифларига алоҳида аҳамият берган.

Қўлланманинг ўқитувчилар учун яхши томони шундаки, муаллиф уни ўзининг 45 йиллик иш фаолияти, илгор ва новатор ўқитувчиларнинг тажрибаларини таҳлил қилиш жараёнида тузилган фикр ва мулоҳазалар асосида ёзган. Шунингдек, унда академик шoir Уйғуннинг лирик, лирик-эпик ва драматик асарлари бўйича синфдан ташқари ижодий ишларга кенг ўрин берилган. Муаллиф адабий кеча, синфдан ташқари ўқиш кўрик-танловлари, ўткир эҳтилол мусобақаси, адабий олимпиадалар ўтказиш, викторина, инсценировка тайёрлаш услида тўхталиб, минос тарихидаги шoirнинг «Вафо» лирик достони бўйича тайёрланган инсценировка матнини берган.

Бу рисола-қўлланма Уйғун ижоди ва уни ўрганишга доир бошқа рисоалардан муаллифининг иш тажрибалари, шахсий кузатувлари асосида ёзилганлиги билан фарқ қилади. Қидирбой ТўЛАБОВ, олий тоифадаги методист ўқитувчи.

ЯХШИЛИКЛАР ТИЛАМОҚ ФАРЗДИР

Пойтахтимиздаги Пўлдош Оқунбобоев номли кўзи оқизлар махсус мактаб-интернати борганимда, ақойиб тантананинг устидан чиқдим. Интернатдаги муносиб хонасида шўх болаларнинг қўлтилари, ҳазил қўшиқ оҳанги эшитилиб турар эди. У ерда сочларига чиройли ленталар тақдан ранго-ранг атлас қўйлақлар кийган 9-10 ёшлар атрофидаги қизлар ва бекасам чопончалар кийиб, белига қўйиб боғлаган болалар навбатма-навбат шеър, қўшиқ айтиб, рақсга тушишарди.

Кейин билсак, 3-«Б» синф ўқувчилари «Ассалом, Наврўзи олам» деган тарбиявий соат ўтказишган экан. Хонада яшнаб турган долалардан тортиб, ялпизу бойчечак, сумалаккача, ҳамма-ҳамма неъматлар кишига фаслар келинчиги — Баҳор келатганини эслатади, ажиб бир туйғуларга ошно этади.

Бу болаларнинг қувноқ шеърларини тинглаётган, рақсларини томоша қилётган ота-оналарнинг, ўқитувчи ва тарбиячиларнинг юз-қўзларида бир олам шодлик. «Баҳор ойм келидилар», «Сумалак-жон сумалак», «Онажоним», «Қизил олма», «Наврўзи олам» сарлавҳали шеърларни тинглаганлар ўқувчиларнинг маҳорати ва тайёргарлигига таҳсин ўқинди.

Тарбиявий соатнинг тугалланиш қисмати мактаб-интернат директори А. Сафаров ўқувчилар ва ота-оналарни Наврўз байрами билан табриқлади. Наврўзга бағишланган тарбиявий соатнинг жуда чиройли, жонли, қизиқarli қўлиб тайёрланганлиги учун тарбиячи Эътибор ўрмоновага миннатдорчилик билдирди. Шунингдек, бошқа ўқитувчилар ва тарбиячилар ҳам опаннинг маҳорати ҳақида илқ сузларини айтишди.

Фурсатдан фойдаланиб тарбиячи Эътиборхон ўрмоновага савол бердим: — Ҳозир бу ерда айтилган шеърларини, кўшиқларни олдин ҳеч қаерда эшитмаганман. Сир бўлмаса, улар қаердан олинганлигини айтсангиз? — Ҳозир шеърлар ёзиб тураман. Мақтанашга йўймайсиз, ҳозир айтилган шеърларнинг кўпчилиги ҳам ўз ижодимдан. Кўшиқларнинг сўзи ҳам Наврўз ҳақида, Баҳор ҳақида болаларроп қилиб ёзишга интилади. Чунки бу фасл фасларнинг шохиди. Уни қанча маҳд этсак, шунча кам. Бундан ташқари, ўқувчиларимиз ҳам Наврўзи оламини жуда соғинишган. Баҳор ҳақидаги шеърларини, кўшиқларни дил-дилдан самимият билан ижро этишларининг сабаби шунда.

Мустақил Ўзбекистонда Наврўз айёми бошланган кунда яна бир газета таваллуд топиб, муштарийларни қувонтирди. Давр тақозоси ва миллий истиқболимиз зарурати тўғрисида юзага келган бу газета Ўзбекистон халқ Академиясининг ижтимоий-маънавий наشري — «Қадриятнинг илк сонидир.

Газетанинг биринчи саҳифасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Исрол Каримовнинг Ўзбекистон халқ академиясига табриқномаси чоп этилган. Жумладан, унда шундай дейилади: «...эзгу ниятларни амалга ошириш мақсадида ташкил этилган Ўзбекистон халқ Академияси ўз олдидаги мураккаб ва айни вақтда шарофли вазифаларини астойдил амалга оширишга кирилади, деб унда қиламан. Унинг маданий ва иқтисодий ҳаётимизга равангчи ва барқали тасвир кўрсатажак серқирра фаолиятга муваффақиятлар тилайман».

Газетанинг биринчи сонидан Ўзбекистон халқ Академиясининг президенти Турсунбой Рашидовнинг кадр-қимматлар ҳақидаги «Келажак — иқтисодий олимпиаданинг «хўсуви» дорилфунун зарурми?» сингар мақолалари, атоқли ўзбек кинорежиссёри Малик Қўномов билан «Рашидовдан ёмонлик кўрмедим» деб сарлавҳаланган суҳбат, «Наврўз»га онд ҳикоятлар, журналист Тўлқин Ҳайитнинг «Эрталами ё элталаби...» сарлавҳали мушоҳадаси каби турли жанрдаги материаллар ўрин олган.

«Қадрият» кишиларга руҳий хордиқ ва маънавий озиқ беришга мўлжалланган, — дейди газета бош муҳаррири Исрол Усмонов. — Миллий маданий бойлигимиз — қадриятларимизни эъзозлаш, уларни, инсон қад-қиммати мақсаллари бош мазсулар бўлиб қолади. Қороз танқислиги тўғрисида «Қадрият» ҳозирча ойига бир марта чиқарилади. Кейинги йилда эса доимий чоп этиш режалаштирилган.

Ҳазратнинг биринчи сонидан Ўзбекистон халқ Академиясининг президенти Турсунбой Рашидовнинг кадр-қимматлар ҳақидаги «Келажак — иқтисодий олимпиаданинг «хўсуви» дорилфунун зарурми?» сингар мақолалари, атоқли ўзбек кинорежиссёри Малик Қўномов билан «Рашидовдан ёмонлик кўрмедим» деб сарлавҳаланган суҳбат, «Наврўз»га онд ҳикоятлар, журналист Тўлқин Ҳайитнинг «Эрталами ё элталаби...» сарлавҳали мушоҳадаси каби турли жанрдаги материаллар ўрин олган.

«Қадрият» кишиларга руҳий хордиқ ва маънавий озиқ беришга мўлжалланган, — дейди газета бош муҳаррири Исрол Усмонов. — Миллий маданий бойлигимиз — қадриятларимизни эъзозлаш, уларни, инсон қад-қиммати мақсаллари бош мазсулар бўлиб қолади. Қороз танқислиги тўғрисида «Қадрият» ҳозирча ойига бир марта чиқарилади. Кейинги йилда эса доимий чоп этиш режалаштирилган.

ЭЗГУЛИККА ХИЗМАТ ҚИЛ, «ҚАДРИЯТ»!

Ҳозир кутубхоначининг мақала оширишга тақлиф йўқми... Келиш-келмаслигини ўйлаб кўришадан. Аммо уларда мақала ошириш курсидан ўтишининг эҳтиёжи ҳам, зарурати ҳам йўқдай. Негаки, мазкур жараёндан ўз вақтида ўтдики, йўқми, баҳоси қанақа, гувоҳнома оладики, унинг ойлққ маошига ёки лавозимига ҳеч қандай алоқаси йўқ. Агар ҳодимнинг маалақасига қараб ҳақ тўланганда, бу иш эҳтиёжга айланиб бориши аниқ.

МАЪРИФАТШУНОСЛАР ТАЙЁРЛАШНИ БИЛАМИЗМИ?

«Кутубхонашунос — барча фан соҳаларидан хабардор бўлиши зарур» деган талаблар фойдаланилган. «Донлик кўп билишда эмас. Биз ҳеч қачон жами нарсаларни қамраб ололмаймиш. Донлик — қандай? Билимлар энг зарур, қандайлари озроқ, яна қандайлари фавқулодда зарурлигини билишдадир» — деб ёзган эди ўрус адабиётининг кўзгиси Л. Н. Толстой. Ҳозирги фан асрида ҳеч ким барча истеъдодларни ўзида мўжассамлаштира олмайдди. Кимки, кўнглидаги мутахассисни тайёрлашдан умидвор бўлса билимини чегаралашни тўғри билмоғи лозим. Аксинча ҳамма нарсани истаса, у аслида ҳеч нимани хоҳламайди ва бирор нарсаси эриша олмайдди ҳам. Лекин мазкур соҳадаги ўқув дескрипторлари билан дастлабки танишуш кишида ачинаш уйғотилади. Худди ҳаёт гўё бундан беш йил олдин ўша турғунлик баҳасида қотиб қолгандек таассурот пайдо бўлади. Бугунги бозор муносабат-

лари шароитида кутубхонашунос-библиографлар маалақасини ошириш ишларига янгила ҳандаши зарурати пайдо бўлаётганлигини ҳам айтишимиз зарур. Жамият, илм-фан оламидаги кашфиётлар, кутубхонашунослик ва библиография фани утқуларни тобора ривожлантаётган бир даврда зинкорлар ундан орқада қолишга маънавий ҳаққи йўқ. Бугунги кунга келиб маърифатшунослар маалақасини оширишда ҳам қатор муаммолар тўплайиб қолган. Ўзбекистонда бу иш жумҳурият маданияти ҳодимлари маалақасини ошириш олийгоҳи зиммасига юклатилган. Яқин йиллар ичида мазкур даргоҳ раҳбарларнинг ишбилармонлиги тўғрисида диққатга сазовор ишлар қилинганлиги қувончларли. Институт бошлиги «Санъат» ойнамасида: «— Маҳаллий маданият ташкилотларининг ўз кадрлари гогайи — назарий савиясини ошириш масаласига маъсулиятсизлик билан қароши ҳал олийгоҳ ишига ҳалал бермоқда. Жойларда маалақаси оширишга тингловчиларни юбориш ишлари ўзи-буларчиликка ташлаб қўйилган. Тингловчиларни саралаш ва юбориш иши режасиз, мавжуд кадрлар ҳисоби олиб борилмаган, ишга мунтазамлик нуқтаи назаридан қаралмай бажарилади. Маданият бошқармаларининг фаолиятсизлиги жойлардаги ўз ташкилотларининг қандай ишлётганини билмаётган қилмаётган вилоят ижроия қўмиталарининг ўта лоқайдлиги оқибати эканини айтмай илож йўқ» деб ёзди. Қунонилар яхши.

Аммо фикр бироз мунозарали. Кутубхоначиларнинг ўсиб бораётган шахсий эҳтиёжи, талаб ва истақлари тўла қондирилмаётган ва маалақаси ошириш ишлари иқтисодий имтиёзли ишлаб чиқилмаган бир шароитда бунга ўхшаш гинахонликлар орқиқча. Хўш, нима учун маалақаси ошириш ишлари зинкор фаолиятда, унинг ишини қайта қўришда ҳаракетлантирувчи куч бўлиб хизмат этмаётган? Бунинг сабаблари кўп. Аввало, маърифатшунос беш йилда бир марта маалақаси ошириш курсидан ўтади. Бу давр ичида ўзгаришлар шунчалик кўпки, уни билим олувчига 26 кунда тўла етказишини иложи йўқ. Бундай курслар тингловчиларнинг кундама амалий иш фаолиятидаги зарур бўлган эҳтиёжини қондирмаслиги мумкин.

Умуман, маърифатшунослар тайёрлашни тақомиллаштириш кенитириб бўлмайдиган вазирлардан биридир. Қидирий номли Маданият олийгоҳидаги кутубхонашунослик кулнети фаолиятда туз бурлиш ясашга эришмоқ керак. Мазкур кулнети Ўзбекистон давлатдаги кутубхонашунослик ва библиография ўқув ва илмий-тадқиқот марказига айлансин лозим. Унинг ташкили биринчилари ўзгарувчан бўлиши кенг тармоқли энг олий маалақаси мутахассисларга эҳтиёж ўзгариши билан алмашииб турадиган бўлиши зарур. Шунинг эътиборига олиш керакки ҳар инсон алоҳида бир дунё. Юқори баҳоланувчи шахс сифатларига фақат ривожланган мафкура ва касб маданияти орқали эришиш мумкин.

Бундай маданият машаққат тўғрисида ушуклиқ, ўзини интизомга бўйсундириш, бор кучини жамият фаровонлиги учун ҳар кунги меҳнатга сарфарбер қилиш зарурлигини англаш ёрдамида тақомиллашадди. Бу маърифатшуносларга ҳам таваққули эканлигини унутмайлик. Норбек УСАНОВ.

[Ўзноманинг навбатдаги сони 28 мартда чиқади].

Бош муҳаррир А. Қ. ДОЛИМОВ.

Таъсис этувчилар: Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Педагогика жамияти. МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул секретарь — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-55-58, 52-35, нашриёт диспетчер — 32-78-94, нашриёт телефони станциясига навбатчаси — 33-90-50.